

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Tib. 30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛЧЕХРА РУСТАМОВНА

**ИНСУЛИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК РИВОЖЛАНИШИДА
СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТНИНГ РОЛИ ВА МЕТАБОЛИК
БУЗИЛИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯСИ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Юлдашева Гульчехра Рустамовна

Инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг
роли ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари 3

Юлдашева Гульчехра Рустамовна

Роль хронического панкреатита в развитии инсулинорезистентности и
пути коррекции метаболических нарушений 27

Yuldasheva Gulchekhra Rustamovna

Role of chronic pancreatitis in the development of insulinoreistance and
ways of correction of metabolic disorders 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Tib. 30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛЧЕХРА РУСТАМОВНА

**ИНСУЛИНГА РЕЗИСТЕНТЛИК РИВОЖЛАНИШИДА
СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТНИНГ РОЛИ ВА МЕТАБОЛИК
БУЗИЛИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯСИ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1DSc/Tib46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг tma.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Хамрабаева Феруза Ибрагимовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамраев Аброр Асрорович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Харьков миллий тиббиёт университети (Украина)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib. 30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2018 й. соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида _____ рақами билан рўйхатга олинган, диссертация билан АРМда танишиш мумкин. (Манзил: 100109, Тошкент, Фароби кўчаси 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____да тарқатилди.
(2018 йил _____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х.Шагазатова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л.Аляви

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидагидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сурункали панкреатит билан касалланиш даражаси йилига ҳар 100 минг аҳолига 4-8 та, Европада тарқалаши эса—ҳар 100 минг аҳолига 25 тадан иборат. Германияда сурункали панкреатит билан 20 мингдан кўп, Россияда – 60 мингдан кўп аҳоли касалланган. Дунёда ўткир ва сурункали панкреатит билан оғриган беморлар сони сўнгги 30 йилда икки баробар ошиб, бу беморларнинг бирламчи ногиронлигининг 15 фоизини ташкил қилади. «Сурункали панкреатит билан касалланган беморларда 30 фоиз ҳолатда эрта асоратлар кузатилади, ушбу патологиядан ўлим ҳолатлари эса 5,1 фоизга тенгдир»¹. Йигирма йиллик анамнез меъда ости беши саратонини ривожланиш хавфини 5 мартага оширади. Натижада 10 йилда беморларнинг 30%, 20 йилда эса – 50% вафот этади. Сурункали панкреатитда меъда ости безининг ташқи секретор фаолиятини бузилиши оқибатида патологик жараёнга ички секретор бузилишлар ҳам қўшилади, инсулинга резистентлик ва қандли диабет ривожланади, улар метаболик синдромнинг 20-40% ни ташкил этади. Дунёнинг барча мамлакатларида метаболик синдром ва унинг компонентлари инсулинга резистентлик, қандли диабет, артериал гипертония, абдоминал семизликнинг тобора ортиб бораётгани, касалликнинг қайтариб бўлмас оғир асоратлари беморлар ҳаётига жиддий хавф туғдираётгани, бунинг натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг ошиши тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда метаболик синдромнинг патогенетик жиҳатлари ва метаболик бузилишларни самарали коррекциялашга эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада метаболик синдром патогенезида муҳим ўрин тутувчи абдоминал семизлик, инсулинга резистентлик, углевод ва ёғлар алмашинуви, адипоцитлар дисбаланси хусусиятлари йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш»² белгилаб берилган. Бундан келиб чиққан ҳолда, жумладан

¹ Zhang X. ва муаллифлар, 2010.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори бўйича ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни ва метаболик бузилишларни коррекциялаш ҳолатини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cardiovascular Research Center, National Heart, Lung and Blood Institute, International Atherosclerosis Society, American Heart Association, Yale University School of Medicine (АҚШ); World Heart Federation (Швейцария), International Association for the Study of Obesity, University of Rome (Италия); International Diabetic Federation (Бельгия), UK Prospective Diabetes Study Group (Буюк Британия), University of Manitoba, University of Waterloo, (Канада); State University of Piauí, (Бразилия); Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Федерал эндокринологик илмий марказ (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни ва метаболик бузилишларни коррекциялашни оптималлаштиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: метаболик синдром патогенезининг бирламчи бўғини абдоминал семизлик, инсулинга резистентлик кўрсаткичларининг ўзгариши ва липид алмашинувининг бузилиши ҳолатлари исботланган National Heart, Lung and Blood Institute, International Atherosclerosis Society (АҚШ); тана вазни индексини ошиб бориши қандли диабет касаллигини жадал ривожланиши ва ўлим кўрсаткичларини ошишига олиб келиши исботланган University of Manitoba,

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. www.umanitoba.ca, www.medicine.yale.edu, www.who.int; www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed, www.highwire.org, <http://www.cochraneflibrary.com>; <http://www.rsl.ru>; www.biomedcentral.com. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Канада); ўсмирларда ортиқча тана вазни ва семизлик ҳолати ёғларнинг тарқалишининг бузилиши ва ёғ тўқималарнинг хажмининг ошишига олиб келиши исботланган Yale University School of Medicine (АҚШ); метаболик синдром ривожланишининг генетик омиллари асосланган (American College of Endocrinology (АҚШ); моддалар алмашинуви касалликлари, гиперинсулинемия, семириш, проостата безининг ўсма касалликларга олиб келиши исботланган (University of Waterloo, Канада); Клайнфелтера синдромининг юрак қон томир тизими касалликлари ва метаболик синдромнинг ривожланиши ва инсулинга сезрлигига таъсирининг пасайиши ва хавфли асоратларга олиб келиши исботланган Sapienza University of Rome (Италия); метаболик синдромнинг ривожланиши ва жадалланишида эндотелий дисфункцияси маркерларининг таъсири аниқланган (American College of Cardiology (АҚШ); рух микроэлементининг етишмовчилиги инсулинга сезгирлигининг пасайиши ва инсулин ажарлишига таъсири исботланган State University of Piauí, (Бразилия); инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни ва метаболик бузилишларни коррекциялаш тизими ишлаб чиқилган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон).

Жаҳонда инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сурункали панкреатит билан касалланган беморларда метаболик синдром учраш даражасини ретроспектив таҳлилини ўтказиш ва сурункали панкреатитли беморларда абдоминал семириш ривожланишида метаболик синдром аҳамиятли омилларини асослаш; инсулинга резистентлик билан бирга кечувчи сурункали панкреатит мавжуд беморларда углевод алмашинувининг хусусиятларини ҳамда инсулинга резистентлик билан бирга кечувчи сурункали панкреатит мавжуд беморларда липид алмашинувининг хусусиятларини очиб бериш; инсулинга резистентлик билан бирга кечувчи сурункали панкреатит билан касалланган беморларда адипоцитокинлар: адипонектин, лептин, резистин миқдорини аниқлаш; инсулинга резистентлик ривожланиш предикторларини аниқлаш; касалликнинг асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали панкреатит замонавий гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Қатор тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, сурункали панкреатит вақтинча меҳнат қобилятини йўқотишнинг, аҳолини ногиронлигининг асосий сабабларидан бири саналади, кўп ҳолларда эса беморларни ўлимгача олиб келади (Grundy S.M., 2007; De Pergola G., Pannaciulli N., 2002). Бундай салбий тенденция эса сурункали панкреатит муаммоси амалий тиббиётда тобора қизиқишни ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Метаболик синдромда сурункали панкреатит жуда кам учраши

тўғрисида фикрлар мавжуд, чунки метаболик синдромда меъда ости беши шикастланиши унинг стеатози билан боғлиқ. Меъда ости беши стеатозини мавжудлиги эса сурункали панкреатитни инкор этмайди.

Ҳозирги вақтда адабиётларда юрак-қон томир тизими касалликлари нуқтаи-назаридан метаболик синдромга бағишланган тадқиқотлар кўп учрайди. Метаболик синдром ҳамда унинг асоратларини ривожланишида меъда-ичак тракти аъзоларининг ҳолати ва роли кам ўрганилган. Бироқ, ҳозирги кунда мавжуд тахминларга кўра, метаболик синдромда овқат ҳазм қилиш аъзолари патологиялари – 68,5 фоиз, юрак-қон томир тизими – 45,4 фоиз, қўшма патологиялар – 77,8 фоиз ҳолатда учрайди. Бунда энг кўп ҳолларда сурункали панкреатитда абдоминал семизлик, инсулинга резистентлик, атероген дислипидемия учрайди. (Smith U., 2002; Weyer C. et al., 2001). Метаболик синдром Халқаро институти экспертлари фикрича, инсулинга резистентлик аниқ клиник мезони – атеросклероз ҳисобланади, шундай экан қорин олдинги пардасида тўпланувчи липидлар тез алмашинувчи ёғлар сирасига киради ва уларни ортикча миқдорда ушбу соҳада тўпланиши гиперинсулинемия юқори хавфидан далолат беради. Ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар эса, метаболик синдром нафақат овқат ҳазм қилиш аъзоларида иккиламчи ўзгаришлардан, балки ушбу синдромни авж олиб бориши ва овқат ҳазм қилиш аъзолари патологияларида турли асоратлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда сурункали панкреатит ва метаболик синдром, инсулинга резистентликни чегараланган патогенезини ўрганиш борасида эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу патологияларни бирга кузатилишида қатор ноаниқликлар мавжуд, улар орасида эса адипоцитокинлар (лептин, адипонектин, резистин), углевод ва липид алмашинувининг аҳамияти бекиёсдир. Бундан ташқари, метаболик синдром билан бирга кечувчи сурункали панкреатит кечиши етарли равишда ўрганилмаган, бу эса ўз вақтида аниқ ташҳис қўйиш ва патогенетик жиҳатдан асосланган даволашни ўтказишда муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни в метоболик бузилишларни кореекция қилиш йўллари» (2014-2018 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг роли ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўлларины такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали панкреатит билан касалланган беморларда метаболик синдром учраш даражасини ретроспектив таҳлилини ўтказиш ва сурункали

панкреатитли беморларда абдоминал семириш ривожланишида метаболик синдромнинг ахамиятли омилларини аниқлаш;

инсулинга резистентлик билан бирга кузатилувчи сурункали панкреатит мавжуд беморларда углевод алмашинувининг хусусиятларини тадқиқ қилиш;

инсулинга резистентлик билан бирга кузатилувчи сурункали панкреатит мавжуд беморларда липид алмашинувининг хусусиятларини тадқиқ қилиш;

инсулинга резистентлик билан бирга кечувчи сурункали панкреатит билан касалланган беморларда адипоцитокинлар: адипонектин, лептин, резистин миқдорини аниқлаш;

комплекс текширувлар ва проспектив таҳлил асосида инсулинга резистентлик ривожланиш предикторларини аниқлаш ва инсулинга резистентлик билан бирга кечувчи сурункали панкреатитли беморларни даволаш самарадорлигини таққосий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2015 йилларда 1-сонли Республика клиник шифохонаси 1-терапия бўлимида 30 -75 ёшли 120 нафар бемор олинган. (60 нафари сурункали панкреатит билан, 60 нафари сурункали панкреатит ва метаболик синдром-инсулинга резистентлик билан) 120 нафар бемор, назорат гуруҳи 20 нафар шу ёшдаги соғлом кўнгиллилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: қон зардоби, сийдик, нажас, меъда ости безини ультратовуш ва компьютер томографик текшируви материаллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент, копрологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатит ва метаболик синдром мавжуд беморларда гиперинсулинемия ривожланиши билан бир қаторда дислипидемиянинг кузатилиши, инсулинга резистентлик индексини ошишига олиб келиши исботланган.

абдоминал семизлик билан сурункали панкреатит мавжуд бўлган беморларда касалликнинг патогенезининг ўзига хос қонда гиперинсулинемия ва эркин ёғ кислоталари миқдорининг ортиши, глюконеогенез ҳолатининг фаоллашуви хусусиятлари аниқланган ҳамда айни ушбу беморлар тоифасида лептин, резистин миқдорининг ортиши ва адипонектин миқдорининг камайиши билан тавсифланувчи адипоцитокинлар дисбаланси исботланган;

метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитда лептин экспрессияси ва қон томир деворларидаги функционал ўзгаришлар ўртасидаги узвий боғлиқлик қонда липидлар алмашинувининг бузилишига ва атерогенез ривожланиш хавфига олиб келиши исботланган;

сурункали панкреатитли беморларни метаболик синдром билан ва метаболик синдромсиз кечувчи турларида, эластаза тести натижалари қиёсий таҳлил қилинган ва меъда ости бези экзокрин етишмовчилиги

метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитли беморларда кўпроқ учраши исботланган;

микрокапсулали панкреатин, статинлар ва инсулин сенсетайзерларини перорал қўллаш давонинг самарадорлигига таъсири ҳамда турли хил гормонал ва метаболик бузилишларни бартараф қилиши, касаллик ривожланишининг пасайиши ва ремиссия даврини узайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

текширилган беморларнинг ушбу тоифасида метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитнинг патогенетик жиҳатлари ва касалликни ўзига хос клиник кечиш хусусиятлари изоҳланган;

микрокапсулали панкреатин (Тризим Микрокапс), статинлар (Аторвастатин) ва инсулин сенситайзерларини (Диоформин) қўллаш метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитда кузатилувчи метаболик бузилишларни эрта ташҳислаш ва самарали коррекциялаш бўйича илмий-амалий тавсиялар таклиф қилинган;

жигар, меъда ости беши функционал ҳолати, ҳамда метаболик бузилишларни эътиборга олган ҳолда метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитни самарали даволашга дифференциал ёндашиш, текширилган беморларда клиник манзарани, углевод, липид алмашинуви ва адипоцитлар дисбалансини (лептин, адипонектин, резистин) яхшилагани асосланган;

олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида такомиллаштирилган янги ёндашувларни амалий тиббиётга тадбиқ қилиниши касалликнинг асоратларини олдини олиш, касалхонада даволаниш муддатини камайтириш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизликни тиклаш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайишига олиб келиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги объектив, клиник, иммунофермент, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг роли ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари самарадорлигини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Метаболик синдром полиморбидлик шароитларида бошқа касалликлар билан кўпроқ бирга келади. Бундай ассоциация, одатда, панкреатит клиник кечишини торпидлигига сабаб бўлади, баъзида асоратлар сонини кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бизнинг ўтказган тадқиқот натижаларимизга кўра, сурункали панкреатитнинг алоҳида кечишига нисбатан, инсулинга резистентлик ҳолати билан бирга кечганда абдоминал оғриқ ва диспепсик синдромлар кўпроқ намоён бўлиши, касалликнинг авж олиши, узокроқ давом

этиши ва базис терапия самараси камлиги билан фарқланиши аниқланди. Метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитни эрта ташхислаш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида амалиётдаги шифокор ушбу патологияга тахминий ташхис қўйиши мумкин. Асосий ташхис сифатида сурункали панкреатит ва метаболик синдромнинг аниқланиши ортади, одатда аксарият ҳолларда уларни эрта босқичларда аниқлашнинг имкони бўлмайди, бу ўз навбатида қандли диабет, атеросклероз, юрак-қон томир касалликлари каби метаболик синдромнинг оғир асоратларини профилактикаси олиб борилмаслигига сабаб бўлади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти сурункали панкреатит билан касалланган беморларда метаболик синдром ривожланишини олдини олиш ва патогенетик асосланган даволаш усуллари таклиф қилинган ва ушбу усулни қўллаш беморларда даво самарасини ва ҳаёт тарзи сифати кўрсаткичларини яхшилагани асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг роли ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитни ташхислаш ва даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 июндаги 8н-п/108-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома: метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатит билан касалланган беморларни эрта ташхислаш орқали, турли хил гормонал ва метаболик бузилишларни бартараф қилиш, шу билан бирга қандли диабет билан касалланиш хавфини камайтириш имконини берган;

инсулинга резистентлик билан кечувчи сурункали панкреатитни самарали даволаш бўйича ишлаб чиқилган натижалар «Метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитни ташхислаш ва даволаш» услубий тавсиялар таркибида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 8 февралдаги 8н-д/2-сон маълумотномаси). Меъда ости безининг экзокрин ва эндокрин функционал бузилишларини инobatга олган ҳолда комплекс давони қўллаш давонинг самарадорлигини ошишига, касаллик ривожланишининг пасайишига ва ремиссия даврини узайишига олиб келган;

инсулинга резистентлик ривожланишида сурункали панкреатитнинг роли ва метаболик бузилишларни коррекцияси йўллари самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослашган илмий-амалий эндокринология тиббий маркази ва 1-сонли Республика клиник шифохона амалиётига жорий қилинган ва ушбу натижалар беморларда меҳнатга лаёқатлилиқни тиклаб, касалхонада даволаниш муддатини камайтириш ва касаллик ривожланишини олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метаболик бузилишлар ривожланишида сурункали панкреатитнинг ўрни**» деб номланган биринчи боби ўрганилаётган мавзунинг замонавий ҳолатини қамраб олган адабиётларни қўллаш билан ёзилган. Турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлил қилинган, метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатит мавжуд беморларни ташхислаш, таққосий ташхис ва даволаш бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу бўлимда ечими топилган ва топилмаган муаммонинг жиҳатлари келтирилган. Мавзуга оид замонавий хорижий ва маҳаллий адабиёт материалларини таҳлили келтирилган. Касалликни профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқот материаллари ва усулларини анъанавий услубларга қиёсий таҳлили**» боби текширилган контингент тўғрисида маълумотларни, ҳамда текширув усуллари ва олинган натижаларнинг баҳолаш мезонларини ўз ичига олади. Ретроспектив таҳлилда сурункали панкреатит ва метаболик синдром билан касалланган 782 та бемор касаллик тарихи текширилган. 2009-2013йй. оралиғида метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитни ўсиш сони ва учраш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Проспектив текширувлар метаболик синдром (МС) билан бирга кечувчи ва МС бўлмаган сурункали панкреатит (СП) билан оғриган 30 дан 75 ёшгача бўлган 120 та беморда олиб борилган. Беморларнинг ўртача ёши $52,2 \pm 2,6$ йилга тўғри келди. Барча беморларда комплекс текширувлар ўтказилди: кўрик, сўраб-суриштириш, ички аъзолар ҳолати бўйича маълумотлар, антропометрия, артериал босимни ўлчаш, тана вазни индексини ўлчаш, лаборатор текширувлар (қон ва сийдик амилазаси, липаза, ахлатда эластаза-1, холестерин, триглицерид, липопротеид, эркин ёғ кислоталари, қонда қанд миқдори, оғиз глюкозо-толерант тести (ОГТТ), инсулин, С-пептид, адипонектин, лептин, резистин, ГГТП, ИФ, АЛТ, АСТ, билирубин, умумий оксил), копрограмма (нажас умумий таҳлили) инструментал текширув усуллари (ЭГДФС, қорин бўшлиғи УТТ, меъда ости беги КТ). Текширилган беморлар 2 гуруҳга ажратилиб (МС билан СП), ўтказилган даво чораларига кўра 2 кичик гуруҳга бўлинди: 1 кичик гуруҳ - 30 бемордан иборат бўлиб, уларга панкреатин 6 табл./кун.+ сульфанилмочевина (глимепирид 2 мг/кун.)+статин (симвастатин 20мг/кун.); 2 кичик гуруҳ - 30 беморга - микрокапсулалар панкреатин (Тризим Микрокапс 60000 Ед/кун), статин (Аторвастатин 20 мг/кун) ва инсулин сенситайзерлари (Диаформин 500-1000 мг/кун) буюрилди.


Диссертациянинг «**Метаболик синдром билан кечувчи сурункали панкреатитли беморларни текширувдаги клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида СП ни МС билан бирга кечувчи ва МСсиз шакллари мавжуд беморларни клиник текширув натижалари келтирилган. РКШ №1 ва РИИАЭТМ да стационар даволанишда бўлган 2035 та гастроэнтерологик беморлар ўртасида МС билан кечувчи СП ни тарқалиш сабабларини ретроспектив таҳлили тақдим қилинган. Сўнгги 5 йилда (2009-2013 йй.) МС билан кечувчи СП сони ва учраш даражаси таҳлил этилган.

Текширилган беморлар шартли равишда МС етакчи компоненти бўйича тақсимланди. Инсулинга резистентлик (ИР) ва гиперлипидемия (ГЛ) (I группа: ИР+ГЛ) ва артериал гипертония (АГ) ва ГЛ билан бирга келган (II группа: АГ+ГЛ) СП ли беморларга ажратилди.

Ретроспектив тадқиқот натижалари бўйича аниқланишича, СП негизида ривожланган ИР ва ГЛ аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди. Бу эса, аёлларда ИР ва ГЛ ривожланиш хавфи юқорилиги (66,2%) ни кўрсатади. Бошқа гуруҳда эса АГ+ГЛ эркакларда кўпроқ аниқланди (59,6%).

Жинсий-ёшга боғлиқ тавсифи бўйича ҳам аёлларда кўпроқ кузатилади, яъни беморлар орасида 5 йил ичида ўртача 13,5% га аёллар улуши ошганлигини кўриш мумкин. Яна шуни таъкидлаш керакки, беш йил ичида айнан аёлларда касаллик ёшарганлиги кузатилган. (1-расм).

МС билан кечувчи беморларни жинси бўйича қуйидагича тақсимланди: 30-75 ёшдаги 471 (60,2%) - аёллар, 311 (39,8%) эркаклар. МС билан кечувчи СП ли беморлар ўртача ёши $58,9 \pm 3,52$ тенг бўлди. СП анамнези давомийлиги $8,1 \pm 1,7$ йилдан иборат бўлди.



1-расм. Текширилган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тавсифи

Текширилган беморлар касалликнинг етакчи этиологик омили бўйича шартли равишда ажратилди. СП беморлар гуруҳи ажратилди: билиар трактга боғлиқ этиологияли (62,5%), кислотага боғлиқ (32,6%) ва аралаш этиологияли (4,9%). МС кўпинча идиопатик панкреатитда кўп учрашига қарамасдан, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, МС ли СП кўпроқ билиар патологияли беморларда кўпроқ кузатилди.

Бундан ташқари, билиар тизимга боғлиқ панкреатит кўпроқ аёлларда аниқланади. Бу ҳолат ўт-тош касаллиги, сурункали холецистит ва ўт йўллари дискинезияси каби патологияларни аёлларда кўпроқ учраши билан боғлиқ бўлиб, эртами-кеч билиар трактга боғлиқ панкреатит ривожланишига олиб келади (25-40%).

Касаллик тарихи маълумотларига кўра, СП мавжуд беморларда тез-тез қайталанишлар, умумий ҳолатининг ёмонлашуви, турли асоратлар, даволанишнинг самарасизлиги кузатилиб, улар клиник-биокимёвий ва инструментал текширув натижалари билан тасдиқланди.

Касаллик тарихи маълумотларига қараганда беморларни касаллик тез-тез қайталаниши туфайли клиникага мурожаат қилишига сабаблар қуйидагилар бўлди: қориндаги оғриқ, метеоризм, меъда соҳасида оғирлик ва димкомфорт, ични бузилиши (қабзият билан алмашинуви), тана вазнини ошиши, ҳолсизлик. МС негизидаги СП танлаб олинган беморлар барчасида у ёки бу кўринишдаги абдоминал оғриқлар мавжудлиги ўзига хосдир. Оғриқ қоринни юқори қисмида жойлашган: эпигастрал соҳаданинг ўзидаги оғриқ 345 та беморда кузатилди, бошқа ҳолларда чап томонда, кам ҳолларда ўнг қовурға остида жойлашган.

Беморларнинг 120 тасида (15,4%) қабзият. 226 (28,8%) беморларда ич келишининг бузилиши аниқланди. Кўп ҳолларда метеоризм, «қориннинг дам бўлиши»га кўп шикоят қилдилар. Аини шундай шикоятлар 437 та (55,8%) беморда аниқланди. Аксарият ҳолларда бу шикоятлар диарея ёки қабзият билан бирга келиши кузатилди.

Касаллик тарихида келтирилган маълумотларда кўрсатилишича, касаллик бошланишида 534 та бемор (68,3%) аниқ тана вазнини кўрсатганлар. Улардан 411 (77,1%) тасида касаллик пайтида секин-аста тана вазнини ошишини қайд қилдилар (2 дан 15 кг гача).

Фармакологик ёндошувларнинг таҳлиliga кўра, комплекс даволаш таркибида фермент препаратлар ва статинлар етарлича қўлланилмаган. Деярли 32% (245) беморларда клиник симптоматика намоён бўлгандан кейингина даво чораларига фермент препаратлар ва статинлар қўшилган ва бу ҳолат кеч ташҳис ва асосланмаган патогенетик терапиядан далолат беради. Бошқа ҳолларда эса ферментлар умуман буюрилмаган.

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, кўпгина беморларда СП ташҳиси гипергликемия ривожлангандан сўнггина аниқланган, бироқ уларнинг бир қисмида панкреатитнинг оғриқсиз шакли кузатилиб, қандли диабетнинг 2 тури касаллик манифестациясини дастлабки ва ягона кўриниши ҳисобланган. Таҳлил қилинган касаллик тарихлари бўйича шу нарса аниқландики, СП оқибатида МС (гиперинсулинемия, гипергликемия, гиперлипидемия) авж олиши кузатилган ва натижада беморларнинг 67% (449) касалхонада 16 кун, 7%(47) – 13 кун, 6%(40) – 20-22 кун ётиб даволанганлар.

СП консерватив даволашнинг муҳим вазифаси касаллик хуружини бартараф этиш эмас, балки уни олдини олишдир. Бу эса ўз навбатида ИР ва қандли диабет 2 турини ривожланиш хавфини ҳам камайтиради. Бунинг учун беморни госпитализация қилган ҳолда, ўткир белгилар пайдо бўлгунга қадар рецидивга қарши консерватив давони доимий қайтариш зарур. Бу ҳолларда беморларни стационарда бўлиш вақти камаяди. Шу билан бирга касалликни ремиссия даврида даволаш амбулатор шароитда ўтказилади.

ИР ни олдини олиш учун СП патогенетик асосланган даволаш ва эрта ташҳислаш зарур. Бундан ташқари, СП қандай касаллик негизида ривожланганлигига қараб, уни даволашда махсус ёндошув талаб қилинади. Бу йўналишда жараённи, яъни МС ривожланишини олдини олиш мақсадида даволашни коррекциялаш зарур. Билиар тракт касаликларини (ўт-тош касаллиги, сурункали холецистит, сурункали гепатит, гастродуоденит, 12-бармоқ ичак яра касаллиги, сурункали гастрит ва х.к.) патогенетик жихатдан тўлақонли асосланган даволаш, СП эрта ташҳислаш ва унинг асоратларини олдини олиш МС ўсиши ва тарқалишини камайишига олиб келади.

Ретроспектив таҳлил натижаларидан келиб чиққан равишда проспектив текширувлар олиб борилди. Ўтказилган тадқиқотлар учун танлаб олинган барча беморлар 2 гуруҳга ажратилди. I гуруҳ таққослов гуруҳ бўлиб, уни МС белгиларисиз СП билан касалланган 60 та бемор ташкил этди, II гуруҳни эса МС билан кечувчи СП мавжуд бўлган 60 та бемор ташкил қилди. Назорат гуруҳи 20 та соғлом кишидан иборат бўлди.

Ўрганилаётган даволаш схемасига беморларнинг розилиги асосида гуруҳлар ташкил қилинди. Таққослаш гуруҳи беморлари СП бўйича

анъанавий усулда (меъда кислотасини пасайтирувчи, анальгетиклар, спазмолитиклар, панкреатин таблеткаси) даволандилар. Тадқиқот жараёнида кузатув гуруҳи (МС билан СП) қўлланган давога кўра, 2 та кичик гуруҳга ажратилди.

Беморларни жинси бўйича тавсифи қуйидагичадир: I гуруҳда 21 (34,7%) эркак ва 39 (65,3%) аёл. СП билан МС гуруҳида (II гуруҳ) – 8 (30,2%) эркак ва 42 (69,8%) аёл, яъни СП билан оғриган беморларда СП билан МС гуруҳида (гиперлипидемия, гиперинсулинемия, гипергликемия) аёллар кўпроқни ташкил қилсада, натижалар статистик жиҳатдан ишонарли эмас ($p > 0,05$). Текширилган беморлар 30 дан 75 ёшгача бўлди. Таққослов гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши $52,7 \pm 9,7$ ёшга, кузатув гуруҳида эса $53,3 \pm 4,3$ ёшга тўғри келди. Анамнез давомийлиги 1 дан 10 йилгача бўлди. I гуруҳ беморларда анамнезнинг ўртача давомийлиги $6,96 \pm 1,34$ ва II гуруҳда $7,21 \pm 1,83$ йилни ташкил қилди.

Беморларда антропометрик текширувларда бел ҳажми (БХ) аёлларда $99,6 \pm 11,5$ см ($104,0 \pm 11,1$ см 1-кичик гуруҳда ва $95,7 \pm 11,1$ см 2-кичик гуруҳда), эркакларда - $110,2 \pm 12,7$ см ($111,8 \pm 13,7$ см 1-кичик гуруҳда ва $108,3 \pm 11,1$ см 2-кичик гуруҳда) тенг бўлди. Ортиқча тана вазни СП билан МС гуруҳида 47 (78,8%) беморда аниқланди, бунда тана вазни индекси (ТВИ) $30,5$ кг/м² дан кўп бўлди. Гуруҳ бўйича ТВИ ўртача $34,9 \pm 0,4$ кг/м² ни ташкил қилди ва бу СП беморларига нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли натижа қайд қилинди ($22,8 \pm 0,4$ кг/м²). Шундай экан, кузатув гуруҳининг барча беморларида семизликнинг висцерал тури – абдоминал семизлик (АС) мавжуд бўлиб, бу бел айланаси ҳажми билан тасдиқланди.

Олинган натижалар таҳлили бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, меъда-ичак тракти патологиялари йўлдош касалликларидан жигар ва билиар йўллар касалликлари устунлик қилади. Биз олган натижаларда жигар ва меъда ости безининг ноалкогол ёғли касаллиги МС билан кечувчи СП мавжуд беморларнинг 71,7% да кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

СП турли шаклларида йўлдош касалликларнинг учраши

Йўлдош касалликлар	Беморлар гуруҳи			
	Таққослов гуруҳи СП (n=60)		Кузатув гуруҳи СП ва МС (n=60)	
	абс.	%	абс.	%
Сурункали холецистит	45	75,2	43	71,6
Одди сфинктерининг функционал бузилишлари	21	35,0	27	45,0
Сурункали гастрит	46	76,7	35	58,3
Эрозив гастрит	9	15,0	17	28,3
Сурункали дуоденит	20	33,3	17	28,3

Эрозив дуоденит	7	11,7	5	8,3
Ремиссия давридаги 12-бармоқ ичак яра касаллиги	4	6,7	16	26,7
Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги, жумладан нэрозив рефлюкс касаллиги	24 4	40,0 6,7	41 18	68,3 30,0
Жигар ва МБ ноалкоголь ёғли касаллиги	3	5,0	43	71,7
Юрак ишемик касаллиги	4	6,7	7	11,7

Изоҳ: *- таққослов ва кузатув гуруҳлари натижаларига нисбатан ишонарли фарқлар ($p < 0,05$).

Хар икки гуруҳ беморлари кўпинча қориндаги оғриққа шикоят қилдилар. Текширувлар учун танлаб олинган СП билан МС ва МС учрамаган СП беморлар барчасида абдоминал оғриқни борлиги ўзига хосдир. Оғриқлар намоён бўлиш даражаси қуйидагича баҳоланди: кучсиз оғриқ – 1 балл; ўртача оғриқ – 2 балл; кучли оғриқ – 3 балл. Шуни таъкидлаш жоизки, МС сиз кечувчи СП билан оғриганларда оғриқ интенсивлиги кучлироқ бўлди. ($p < 0,05$).

Диспептик шикоятлар таҳлилини кўрсатишича, ҳар икки гуруҳда ҳам кекириш, метеоризм, ич бузилиши, қўшма патологияларда эса жиғилдон қайнаши кўпроқ намоён бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Диспептик шикоятлар учраш даражаси

Диспептик симптомлар	Беморлар гуруҳи			
	Таққослов гуруҳи СП (n=60)		Кузатув гуруҳи СП ва МС (n=60)	
	абс.	%	абс.	%
Кекириш	32	53,4	37	61,7
Жиғилдон қайнаши	12	20	35	58,3*
Кўнгил айнаши	17	28,3	27	45,0
Қусиш	4	6,7	4	6,7
Оғизда аччиқ таъм сезиш	22	36,7	24	40,0
Иштаҳанинг йўқлиги	3	5,2	1	1,6
Метеоризм, қорин дам бўлиши	45	75,0	49	81,7
Қоринда дискомфорт ва оғирлик	8	11,7	14	23,3
Бўтқасимон ич кетиши	20	33,4	31	51,6
Шакланган ёғли нажас	26	43,3	16	26,7
Қабзият	10	16,7	4	6,7
Қабзиятни бўтқасимон нажас билан алмашириб туриши	1	1,6	5	8,3
Ич кетиши	3	5,0	4	6,7

Изоҳ: *- таққослов ва кузатув гуруҳлари натижаларига нисбатан ишонарли фарқлар ($p < 0,05$).

Нейтрал ёғлар, ёғ кислоталар, совунлар, мушак толаларини аниқлаш учун копрограмма натижаларини баҳолашда, гурухлар ўртасида қандайдир фарқлар кузатилмади ($p > 0,05$). Бироқ, II гуруҳ беморларида (СП билан МС) стеаторея миқдори нисбатан юқори кўрсаткичларда намоён бўлди.

Маълумки, ҳозирги кунда меъда ости беши(МБ) экзокрин панкреатик етишмовчилигини (ЭПЕ) аниқлашда фекал эластаза (ФЭ) энг информатив ва ноинвазив усул ҳисобланади. ФЭ миқдори 200 мкг/г ва ундан юқори бўлиши меъёр; 150-200 мкг/г – МБ ЭПЕ энгил даражаси ва 100-150– МБ ЭПЕ ўрта даражаси; 100 мкг/г дан кам – МБ ЭПЕ оғир даражаси деб баҳоланади. МС билан ва усиз кечувчи СП мавжуд беморларда ушбу кўрсаткич таққосий ўрганилди. Эластаза синамаси натижаларига кўра, МБ ЭПЕ СП+МС (48 тадан 42 тасида – 87,55%), ХП билан оғриган беморларга нисбатан (30 бемордан 22 тасида – 73,3%) кўпроқ ташхисланди.

Натижалар таҳлилини кўрсатишича, МБ стеатози мавжуд беморларда жигар стеатози учраши юқори бўлди ($p < 0,05$); айнан шу гуруҳда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ҳам нисбатан кўпроқ кузатилди ($p < 0,05$). МС сиз кечувчи СП да эса юрак ишемик касаллиги (ЮИК) юқори даражада аниқланди. ($p < 0,05$).

Натижалар таҳлилини кўрсатишича, МБ стеатози мавжуд беморларда жигар стеатози учраши юқори бўлди ($p < 0,05$); айнан шу гуруҳда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ҳам нисбатан кўпроқ кузатилди ($p < 0,05$). МС сиз кечувчи СП да эса юрак ишемик касаллиги (ЮИК) юқори даражада аниқланди. ($p < 0,05$).

МБ ферментатив етишмовчилигини аниқлаш учун беморларда қонда амилаза ва липаза ферментлари фаоллиги аниқланди. Бунга кўра, кузатув гуруҳидаги беморларда амилаза миқдори ($43,93 \pm 2,64$) назорат гуруҳига нисбатан ($34,10 \pm 2,66$) юқорирок, липаза миқдори эса назорат гуруҳига ($55,25 \pm 0,56$) ва таққослов гуруҳига нисбатан ($49,40 \pm 3,18$) ишонарли тарзда паст бўлди.

Трансабдоминал ультрасонография маълумотлари бўйича ҳар иккала гуруҳ беморларида СП учун хос белгилар мавжуд. Бироқ, МБ стеатози (МБС) билан кечувчи МС да (87,9%) нотекис паренхима МС сиз СП га нисбатан кўпроқ намоён бўлди, майда кисталар (40,7%) ва кальцификатлар (18,6%) эса изоляцияланган СП га хос бўлди. Олинган натижаларни қуйидагича тушунтириш мумкин, яъни семизликда соғлом кишиларга нисбатан кўпроқ МБС кўп учрайди. О.С.Шифрин (2012) маълумотига кўра, МБС мавжуд беморларнинг 52,9 фоизида МС аниқланади. МБС бу МБ паренхимасининг ёғли фиброзли дистрофияси ҳисобланади. МБ ферментларини қон ва сийдикдаги миқдорий ўзгаришларига олиб келувчи фибротик ўзгаришлар аъзонинг ёғли дистрофияси билан боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Амалиётни кўрсатишича, МБС аниқлаш учун компьютер томография (КТ)-текшируви энг кўп ахборот берувчи усул саналади. КТ-текширувида

денситометрик кўрсаткичларнинг (<30 ед. Н) пасайиши, ёғли қатламли безнинг бўлмали тузилиши МБС яққол белгиларидир (2-расм).



2-расм. Бемор А. 52 ёш. Қорин бўшлиғи КТ: МБ паренхимасини ёғли дистрофияси, паренхима денситометрик кўрсаткичларининг пасайиши (-10+5 ед. П)

Текширувдан ўтаётганларнинг 13(59,0%) тасини аёл ва 9(41,0%) тасини эркак беморлар ташкил қилди. МБС мавжуд беморларнинг ярмидан кўпи (12; 54,5%) доимий равишда ёғли овқатлар истеъмол қилганлар ва қориндаги оғриқнинг сабабини ушбу овқат билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Айнан шундай шикоятлар билан асосан аёллар (8 бемор) мурожаат қилганлар.

Клиникага мурожаат қилган беморларнинг кўпчилиги (12 тадан 8 таси) яна оғриқ пайдо бўлишидан қўрқиб, ёғли овқатлардан воз кечишган (7 та беморнинг қариндошидан ушбу маълумотлар тасдиқланган.)

Шундай қилиб, МБС кўпинча СП ва МС билан бирга кечади ва МС ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Диссертациянинг «**Инсулинга резистентлик негизида сурункали панкреатитли беморларнинг метаболик бузилишлар тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида ИР негизида кечувчи СПдаги метаболик ўзгаришларнинг тавсифи берилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, наҳорги гликемия даражаси кузатув гуруҳида ($6,44 \pm 0,28$) таққослов гуруҳига ($5,98 \pm 0,39$) ва назорат гуруҳига ($5,41 \pm 0,18$) нисбатан бирмунча юқорилиги аниқланди. 2 соатдан сўнг стандарт глюкозага толерантлик синамаси II гуруҳ беморларида постпрандиал гликемиянинг юқори кўрсаткичларини яққол намоён қилди. ($6,22 \pm 0,31$). Таққослов гуруҳи беморларида наҳорги инсулин миқдори ($15,86 \pm 0,68$) назорат ва кузатув гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги аниқланди. Глюкозага толерантлик синамасидан сўнг

инсулин миқдори ўзига хос тарзда ўзгарди, яъни кузатув гуруҳида унинг миқдорини ошишга мойиллик кузатилди ($56,09 \pm 4,47$). НОМА-IR индекси I ва II гуруҳ беморларида назорат тури кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли равишда фарқ қилди.

IR билан бирга кечувчи СП мавжуд беморларга базал гиперинсулинемия хос бўлди, яъни кузатув гуруҳида периферик тўқималарни инсулинга сезгирлигини пасайиши аниқланди.

Шундай қилиб, IR билан бирга кечувчи СП беморларида, айниқса II гуруҳда гормонал-метаболик бузилишлар аниқланди: базал ва стимулланган гиперинсулинемия ва наҳорги гликемиянинг бузилиши, глюкозага толерантликни бузилиши.

Маълумки, СП да овқат ҳазм қилишнинг сифати ва интенсивлиги ёмонлашади: оксил, ёғ ва углеводларнинг ҳазмланиши тўлиқ бўлмайди. МБ оролча аппарати бета-ҳужайраларининг миқдори, фаоллиги ва инсулинга таалукли рецепторлар миқдори камаяди, бу эса IR ривожланишига олиб келиб, ёғ алмашинувининг бузилиши билан давом этади. Ҳозирда инсулин сигналининг ўтказилишининг пострецептор бузилишларининг асосий сабаби сифатида этерификацияланмаган ёғ кислоталар миқдорининг ортиши деб қаралмоқда. GLUT-4 транслокацияси пасайишидан инсулинга резистентлик келиб чиқади ва у хужайралар томонидан глюкозани ушлаб қолиниши ва ишлатилишини бузилиши билан намоён бўлади.

Аксарият ҳолларда семизлик IR билан бирга кечади. Абдоминал ёғ тўқимаси хужайраларидан портал қон оқимида ёғ кислоталари кўп ажралиб чиқиши IR ривожланишига ва жигарда триглицеридлар продукциясига сабаб бўлади. IR билан бирга кузатиловчи липид спектрининг ўзига хослиги триглицеридлар миқдорини ортиши, дислипопротеинемия ва липопротеинлар метаболизми учун муҳим фермент липопротеидлипаза фаоллигини камлиги билан намоён бўлади.

Ҳозирги кунда СП кечишига IR қай тарзда таъсир этиши тўғрисида аниқ фикрлар мавжуд эмас. Эркин ёғ кислоталари ва глицеринни тўпланиши дислипопротеинемия ва оксил ҳамда углевод алмашинувининг бузилиш сабаби ҳисобланади. Шундай экан, IR да эркин ёғ кислоталари (ЭЁК) миқдорининг ортиши дислипидемия ҳолатига қулай шароит яратади. Ушбу ҳолатда текширилган беморларда ЭЁК ўзига хос динамик ўзгариши кўпроқ қизиқиш уйғотади. Юқорида таъкидланганидек, IR билан бирга кечувчи СП билан оғриган беморларда гипергликемия ва гиперинсулинемия кузатилган. Шундай экан, ушбу гуруҳ беморларида ЭЁК миқдорини таҳлилига кўра, бу кўрсаткич ($1,26 \pm 0,09$) юқори натижаларни кўрсатди, бу эса, эҳтимол, инсулин рецепторларининг фаолиятини ва хужайра томонидан глюкозани ўзлаштирилишини бузилишига олиб келиб, натижада углеводлар метаболизми бузилади ва гликолиз жараёнини глюконеогенезга алмашиниши, яъни ёғ кислота ва аминокислоталарнинг жадал суръатда ўзлаштирилиши бошланади.

Шундай қилиб, ИР билан бирга кечувчи СП ли беморларда липидлар алмашинуви бузилишининг асосий бўғини компенсатор гиперинсулинемия саналади, бу эса глюкозани инсулинга боғлиқ бўлган утилизациясини бузилишига олиб келиб, ЭЁК тўпланишига сабаб бўлади ва бу кўпинча II гуруҳ беморларида намоён бўлди. Шундай экан, СП беморларда ИР ёғ тўқималарига таъсир қилиб, инсулинни липолитик таъсирини кучайтиради – натижада ЭЁК ва глицерин тўпланишига олиб келади. Бу эса ЭЁК жигарга тушиб, у жойда атероген липопротеинлар – зичлиги жуда паст липопротеинлар (ЗЖПЛП) ва триглицеридлар (ТГ) шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади. В.Н.Титов (2000) фикрича, ёш ўтиши билан инсонларда зичлиги жуда паст липопротеинлар (ЗПЛП) рецепторлари сони камаяди. Ўз навбатида, адабиёт маълумотларига ва ўз натижаларимизга кўра, меҳнатга лаёқатли ёшда инсулин миқдори ортиб боради. ИР билан СП беморларда инсулин ва умумий холестерин миқдорини юқори бўлиши бир тарафдан ЗПЛП ва ЗЖПЛП синтезини кучайиши, бошқа томондан эса – қон томир деворларида атеросклеротик ўзгаришларни стимуляциясига қаратилган. Антиатероген хусусиятга эга ЗЮЛП ХС миқдорини камайиши атерогенез ривожланишидан далолат беради ва уни хавфли омил сифатида баҳоланади. Шундай экан, ИР ва СП бирга келиши ва глюкозага толерантликни бузилиши дислипидемия сабабларидан бири ҳисобланади ва атерома хавфини кучайтиради.

Кўп сонли тадқиқотлардаги тахминларга кўра, семизликнинг марказий тури бирламчи ИР ва гиперинсулинемиянинг дастлабки сабаби бўлиши мумкин. Висцерал ёғ тўқимаси адипоцитлари ЭЁК секрециялайди, уларнинг юқори миқдори жигарда инсулин таъсирини блоклайди ва бу инсулинемияга ва ИР га олиб келади. Лептин миқдори эса семизлик ошиши билан ортиб боради, бизнинг беморлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, уларда тана вазнининг 10%га ошиши лептин миқдорининг 30% га ошишига олиб келади, бу эса лептинга резистентликни билдиради. Бунда лептин орқа мия суюқлигига кира олмайди ва гипоталамусда иштаҳани бошқарувчи соҳалар билан боғланолмайди. Демак, семизликнинг асосий сабаби лептин етишмаслигида эмас, балки унга сезувчанликнинг бузилишидадир.

Адипоцитлар томонидан адипонектинни секрецияси инсулин билан стимулланади ва у энергетик гомеостазни бошқаради ва антиатероген ва яллиғланишга қарши самара кўрсатади. Олинган натижаларнинг таҳлилин кўрсатишича, СП билан касалланган беморлар қон зардобиди адионектин миқдорини ишонарли тарзда пасайиши билан бир қаторда, худди шундай ўзгаришлар ИР ҳолатида ҳам рўй бериб, унинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан пасайиб боради ва бу айниқса изоляциланган СП да кўпроқ намоён бўлади. Адипонектин экспрессиясини камайиши ИР билан боғлиқлиги аниқланди. Адипонектин гипергликемияга, ИР ва атеросклерозга қарши химоя функциясини бажаради, инсулинга сезгирликни ва глюкоза гомеостазини модуляциялайди.

